O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 97 (9.135) * 1998 йил 19 август, чоршанба * Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри, 1998 йил 17 август.

● *Мустақил мамлакатимизнинг яна бир нишони*
● *Дилларни яйратадиган буюк ўзгаришлар*
● *Халқимиз даҳосининг тимсоли*

1998 — Оила йили

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

Туманлар йўқламаси: Собир РАҲИМОВ

## ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА




Шаҳримиздаги ҳар бир туманнинг ўз қиёфаси, пойтахт ҳаётида тутган ўзига хос ўрни бор. Хусусан, айрим туманда кўнгилочар, дам олиш масканлари кўп бўлса, бошқасида замонавий спорт иншоотлари қад ростлаб турибди. Собир Раҳимов туманини эса битта сўз билан саноат ҳудуди дея тавсифлаш мумкин. Зеро, «Оникс», «Компрессор», «Агрегат», «Тошкентмебель», Чинни ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган харидоргир маҳсулотларнинг довруғи хориж давлатларига ҳам тарқалган.

Мустақиллик йилларида туман янада ривожланди, обод ва кўркам тус олди. 275 мингга яқин аҳоли истиқомат қилувчи, 3,45 минг гектар ҳудудга эга туманда ўтган уч йил ичида 154,8 минг квадрат метр турар жойлар, 200 ўринли иккита поликлиника, сув ҳавзасига эга 100-интернат, тўртта гузар, 4 та кичик новвойхона, 20,0 минг квадрат метр сертификат асосидаги уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Сағбон кўчаси бўйича 1,8 километр, Форобий кўчасида — 4 километр, Қорасарой кўчасининг 2,2 километри кенгайтирилиб, текис асфальт ётқизилди. Миллий банкнинг шаҳар ва туман бўлимлари, «Тошуйжойқурилишбанк»нинг туман бўлими фаолият бошлади. 6 миллион сўм ҳажмдаги маблағ кўча ва йўлкаларни тўла таъмирдан чиқариш учун ўзлаштирилди. 7,3 километр ичимлик суви, 4,2 километр оқава сув, 11,8 километр узунликда газ тармоқлари бунёд этилди. 44 та саноат корхоналари йилига 4700,0 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарса, нодавлат секторида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ялпи ҳажми умумий маҳсулот ҳажмига нисбатан 87,8 фоизни ташкил қилади. Туманда 34 та қўшма корхона ишлаб турибди.

Оила йилида туман бўйича 34627 квадрат метр уй-жой, 1266 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 9,7 километр ичимлик суви, 1,56 километр газ тармоқлари, 1 километр узунликда йўллар қурилиши мўлжалланган. Республикамиз равнақи йўлидаги бундай улкан ишлар суръати туманда йил сайин ошиб бормоқда.

***● (Собир Раҳимов туманида Мустақиллигимизнинг етти йиллиги шарафига амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан газетанинг 2-3-саҳифаларидаги ранг-баранг мақолалар ва суратлар орқали танишасиз).***

ИСТИҚЛОЛ КОШОНАЛАРИ

Саккизинчи ҳикоя

## БИНОКИ ҲУСНИДАН ҚАМАШАДИ КЎЗ, ТАЪРИФИГА АСЛО ТОПИЛМАГАЙ СЎЗ!

***Икки сайёҳ сўзлашар эди.***

***— Саёҳатни қайси ердан бошлаймиз? — сўради биринчиси.***

***— Эски шаҳардан, — деди иккинчиси, — у ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайрон қоласан.***

***— Миллий боғдан бошласак-чи?***

***— Кел, яхшиси, Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, сўнг Амир Темур ҳайкалига гуллар қўйиб, Темурийлар тарихи давлат музейига кирамиз. Кейин Тошкентнинг бошқа гўшаларига қадам ранжида этамиз. Қалай?***

***— Ҳаммасини кўрсак бўлди-да! — деди хотиржамгина шериги.***



Темурийлар тарихи давлат музейига етиб келишганда кун ёйилган эди. Шовуллаб турган фавворaларнинг салқини икки ошнага жуда хуш ёқди.

— Қара-я, — деди биринчиси, — Амир Темур хиёбонида тўртта фаввора. Шунақанги бежиримки, асти қўяверасан. Бу ерда тўртинчиси. Жуда ҳам антиқа, тўғрими? Ўзи Тошкент фавворaларини кўриб чиқсак ҳам бир кун кетар-а? Шунча сувни етказишнинг ўзи бўлмасов.

Шериги нигоҳини музей биносидан узмас, устунларга, унинг шарафаю муқарнасларига қараб маҳлиё қотган эди...

— Сенга айтаётибман, — деди ошнаси уни туртиб. Шериги анча пайтдан кейин унга ўгирилди.



— Бир нима дедингми?

— Дедим, — бош ирғади ошнаси, энди у ҳам бинонинг жилоларига синчиклаб қарарди. — Ичи қандай экан-а, бу музейнинг?!

Ошналар музей теварагини айланиб чиқишди. Маҳобатли устунлар, пештоқлар, муқарнаслар, ойнабанд деразалардан садо чиққандек эди:

*Улуғ инсон номини*
*ардоқлайди замонлар,*
*Номи ўчмас сира ҳам ўтса давру*
*давронлар.*
*Амир Темур Кўрагон номи*
*ила бунёдман,*
*Авлодлари шаънига жон*
*бағишлар қанотман.*
*Бағримдадир йилларнинг қанча*
*сиру асрори*
*Уни ўқир инсонларнинг*
*покиза хулқ, аброри.*
*Улуғбегу Бобурдан,*
*Бойқародан сўзлайман.*
*Тарих ҳақиқатини кўрсатмоқни*
*кўзлайман.*
*Кел, томоша айлагил,*
*инсон қўли яратди,*
*Яратдию ўзбекнинг шавкатини*
*таратди.*

Темурийлар тарихи давлат музейининг айлана шакли, унинг кўк бағрига санчилиб турган тилло суви юритилган қуббаси абадийлик рамзидек гўё. Шундай азамат бинони кўтариб турган 18 устун эса куч-қудрат тимсолидир. Чиндан ҳам Темурийларнинг Туронзамин учун фидойилиги, бир ҳовуч тупроғини ҳам улуғлаши, ўлмас обидалар қуриши абадийлик тимсоли эмасми!? Музейнинг ўзи ҳам ўша Бибихоним, ўша Кўксарой, ўша Оқсарой, ўша Шоҳизинда ёдгорликлари каби мағрур қад ростлади, ўша муҳташам биноларнинг давомидек қаторга кирди.

— Бундай маҳобатли бинонинг қурилиши ҳам осон бўлмагандир?! — биринчи сайёҳ сўради шеригидан. Музей эшикларига синчиклаб қараб турган шериги бош ирғади.

— Бутун мамлакатимиз қатнашган. Хоразм, Бухоро, Самарқанду Қарши, Тошкенту термизлик халқ усталари ишлаганлар. Айниқса «Усто» бирлашмасининг қўли гул ҳунармандлари кўп тер тўккан эканлар.

Ҳа, музей қурилишида бутун Ватанимиз аҳли тер тўкди. 8 ой мобайнида шу сўлим бино батамом қўлдан чиққанига ишонасизми? Катта Фарғона каналини 45 кунда ковлаган халқнинг асл фарзандлари Темурийлар тарихи давлат музейини ҳам қисқа муддатда битирдилар.

— Юр, — деди сайёҳ, — ичкарига кирамиз энди.

Ичкарига қадам қўйдилару, икки ошнанинг ҳайрати зиёда бўлди.

— Девордаги суратни қара.., — деди биринчиси.

То музейнинг шифтига қадар етган учта рангли паннода соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, яна ҳам тўғрироғи умр мазмуни акс эттирилган эди.

— Худди китоб-а, — деб шивирлади ошналарнинг иккинчиси, — ҳар бир чизиқни ўқиса бўлади-я!

Ҳа, моҳир миниатюрачи рассом Хуршид Назиров ва унинг ҳамкасблари — «Санои Нафис» гуруҳи ишлаган деворий сурат чиндан ҳам ажойиб китоб эди!..

— Амир Темурнинг ҳаёти ибрат китобидир. Президентимиз шахсан ғамхўрлик кўрсатиб, шундай улуғ кошона қурилади-ю биз уни ажойиб қилиб бермаймизми! — деган эди Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Хуршид Назиров. — Мақсадимиз музейга кирган ҳар бир кишининг ғурури тоғ қадар бўлсин! Айни пайтда соҳибқирон бобомиз ҳаётини ўқисин, ибрат олсин!

Шифтларда товланиб турган нақшларни кўрган икки оғайнининг тили лол эди.

— Инсон қўли гул деганлари рост экан! — деди биринчиси шеригига. — Нақшларни қара...

Қараб тўймайсан киши! Беихтиёр кўксингдан оҳ деган нидо чиқади. Бу нидо сўнмас халқ ҳунармандчилигига берилган баҳо.

— Ниятимиз соҳибқирон Амир Темур номига мос, унинг шеъру шавкатига мос нақшлар чизиш эди, — дейди наққош Анвар Илҳомов.

Чизишди наққошлар. Улкан қандиллар ёруғида товланаётган нақшлар худди қўшиқ куйлаётгандек.

*Ўзбекистон аслида*
*гулларга кон Ватандир,*
*Гуллар Ватанимизда чин*
*мўъжиза атанди.*
*Деворда гул, шифтда гул,*
*ҳаммаёқ чаман*
*Чаман ичра яшнайди бизнинг озод*
*бул Ватан!*
*Ҳар бир гулнинг чизиғи*
*томирларга монанддир,*
*Томирларда қон оқар,*
*тирикликка пайванддир.*
*Ўлмас асло, ўлмагай халқнинг*
*буюк ижоди,*
*Давом этар ҳамиша, воришдир*
*зурёди.*
*Амир Темур музейи аро*
*ранглар бўлди жам,*
*Боқиб уларга ҳайрат ичра тан*
*берар олам.*

Икки ошна сира ҳам кўз ололмасди, музейдаги экспонатлардан. Амир Темур мактублари, авлодлар тарихи... Экспонатлар кундан кунга бойимоқда, кўпаймоқда.

Оғайнилар музейга яна бир бор назар солишди. Улкан бино уларнинг кўзига бебаҳо хазинадек кўринди.

1996 йилнинг 18 октябрида Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросимида йўлбошчимиз Ислом Каримов айтган эдилар: «Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир... Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир... Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!».

...Икки ошнанинг назарида гумбазлардан акс садо янграгандек бўлди:

— Мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

*Ғолиб МИРЗО.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Куч — билим ва тафаккурда*

## ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

***Сергели туманида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига қайтарган жавобларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда иштирок этган журнал бош муҳаррири Эркин Аъзамов мамлакатимиз раҳбари билан ўтказилган мулоқот уч йўналишдан иборат бўлганлигини таъкидлади.

Нотиқ миллий мафкура, ёшларнинг таълим-тарбияси ҳамда халқ хавфсизлиги каби муҳим масалаларга Президент Ислом Каримов жамиятимизнинг мафкураси шу жамият таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши халқимизнинг бехатар, тинч-омон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозимлиги ҳақида холис фикр-мулоҳаза билдирганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган ёш авлоднинг миллий истиқлол мафкураси асосида Ватанга муҳаббат, турли жабҳалардаги ислоҳотлар кўламини теран англаган ёшлардан иборат Сергели тумани «Фидойилар» клуби таъсис этилиб, унинг аъзолари сайланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

*Моҳира КАРИМОВА.*

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда олиб борган баҳси, ўртага ташлаган ғоялари ҳаммамизнинг хотирамизда ўчмас бўлиб муҳрланиб қолди. Юртбошимиз тарихнинг халқ, мамлакат, инсон, миллат тақдиридаги ўрни, моҳияти, вазифасига тамомила янгича бир назар ташлади, янгича нуқтаи назарларни баён этдилар. Йўлбошчимизнинг «Мулоқот» журналининг шу йил 5-сонида эълон қилинган тарих ва тараққиёт ҳақидаги «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб аталган ушбу янги асари шубҳасиз ўз ғоялари билан ижтимоий фикр ривожимизни янада юксалтиради, янги фикр уммонларини яратади.

● Буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғида бунёд этилаётган улкан ёдгорлик мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

● Хитойнинг Хуавэй компанияси президенти Жэн Чжэнфей бошчилигидаги делегация аъзоларининг Вазирлар Маҳкамасидаги учрашувида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги телекоммуникация бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди. Учрашув ниҳоясида икки мамлакат ўртасида далолатнома имзоланди.

● Андижондаги «Жаннат» фирмасида суюқ хлорнатрий гинохлорид эритмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Немислар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхона маҳсулотларига дастлабки харидорлар билан шартномалар тузиш бошланди.

● Қаршида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув семинар-кенгаши бўлди.

● Пойтахтимиз марказидаги собиқ «Болалар дунёси» универсал магазинида «Фан Сити» болалар кўнгил очиш мажмуаси очилди. Энг юқори жаҳон андозалари даражасида қурилган бу мажмуада ўйинчоқлар ва болалар кийим-кечак дўконлари, шинам қаҳвахона ва сартарошхона жойлашган, энг муҳими мажмуа болалар ўйинларидан иборат.

● Бугун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги биносида Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги ҳамда Оила йилига бағишланган «Бахтли оила — давлат бойлиги» деб номланган Юнусобод тумани фуқаролари ва ибратли оилаларнинг «Бахтли оила» кўрик-танлови якунларига бағишланган мароқли байрам тадбири ўтказилади.

● Мустақиллигимизнинг қутлуғ етти йиллик байрамига бағишланган «Орият — 98» деб номланган автомобиль пойгасини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Пойга 29 август куни Амир Темур хиёбонидан бошланади. Унда иккита «Нексия» ва битта «Тико» енгил машинаси ҳам қатнашади.

### ЖАҲОНДА

● Россия федерал чегара хизмати бошлиғи Н. Бордюжа Тожикистонга келди. Тожикистон Президенти билан учрашувда Ҳамдўстликнинг жанубий чегараларини сақлаш масалалари муҳокама қилинди.

● Душанбеда БМТнинг яна бир вакили — БМТ Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакилининг шахсий қўриқчиси ўлдирилди. У ўз квартирасида топилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

● Иқтисодиёт ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

● Куба иқтисодиётидаги хорижий инвестициялар 2,2 миллиард доллардан ошди.

● Июль ойида Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётидаги капитал жамғарма ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 22,8 фоизга ошди. Жорий йилнинг биринчи ярмида Хитой иқтисодиётидаги инвестициялар 89 миллиард долларни ташкил этди.

● Албанияда НАТОнинг 11 мамлакати, шунингдек, Албания, Россия ва Литва бўлинмалари иштирокида ҳарбий машқлар бошланди. Ҳарбий машқларда 1500 га яқин ҳарбий хизматчи, 60 та самолёт ва вертолёт қатнашмоқда.

● Кения пойтахти Найробида Америка элчихонаси рўпарасида юз берган портлашни уюштиришда қатнашган деб 32 яшар Муҳаммад Бин Содиқ қўлга олинган. У 7 августда Карочи аэропортида Шарқий Африкадаги мудҳиш воқеадан бир неча соат ўтгач ҳибсга олинган эди.

● Албания Ислом конференцияси ташкилоти таркибидан чиқди. Бу ташкилотга кириш тўғрисидаги бундан олти йил аввалги қарор хато бўлган эди, деди Албания Бош вазири Нану. Албания, деди у, мўлжални Европага қараб олиши керак.

● Шимолий Ирландиянинг Ома шаҳрида юз берган портлаш натижасида 12 нафар испан мактаб ўқувчиси яраланди. Бунинг устига ўқувчи билан ўқитувчи ҳам ҳалок бўлди. Испан ўқувчилари Ирландия Республикасида инглиз тили бўйича курс ўтамоқда эдилар. Улар Омага саёҳат қилиб келган эдилар.

● Софи Лорен ҳозир ўзини жуда ҳам яхши ҳис этмоқда, деди итальян киноюлдузи вакили Биби Клайн. Актриса Нью-Йоркда юрак аритмияси ташхиси билан касалхонага ётқизилган эди.

● Париж яқинидаги Эвре шаҳарчасида истиқомат қилувчи 81 ёшли Кристиана Александр француз автомактабининг энг кекса битирувчиси бўлди. У машинани ҳайдаш бўйича имтиҳонни биринчи уринишдаёқ топширишга муваффақ бўлди.

● Сузиш бўйича Осиё ва Океаниядаги XII чемпионатда ўзбекистонлик сузувчилар учта олтин, бешта кумуш ва тўртта бронза медалларини қўлга киритдилар.

*Бандлик*

# ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

***Бектемир тумани меҳнат биржасига мурожаат этувчиларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан ишларимизни янада такомиллаштириб, маҳаллалар ва мавжуд корхона, ташкилотлар билан ишлашни кенг авж олдириб юбордик. Бўш иш ўринлари, вакант лавозимларга ишсизларни сайлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.***

Туманимизда шахсий корхоналар ва фирмалар ҳисобига, масъулияти чекланган жамиятлар ва якка тартибда меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳисобига йил бошидан 623 та янги иш жойлари ташкил қилинди. Биржамиз ҳисобидан эса «Шиф юлдузлари» фирмаси ташкил қилинди. Айни вақтда бу фирмада биз тавсия этган 8 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Йил бошида «Нерудник» ҳиссадорлик жамияти қарз олиш ҳисобидан янги 10 та ишчи ўрни ташкил этди.

Биржамиз ишининг янада ривож топишида маҳаллалар фаолларининг қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидламоқчиман. Мавжуд 12 та маҳалла оқсоқоллари жойлардаги ишсиз юрган ёшлар билан ишлашда, болалар нафақасини тарқатишда, ҳамда фармон ва қарорларнинг ижро этилишини назорат қилишда яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллаларимизда 315 та ёрдамга муҳтож оилалар бор. Бу оилаларнинг вояга етмаган болалари учун июнь ойида 785399 сўм ажратилди.

Бандлик дастурида белгиланган асосий вазифаларимиздан бири бу иш билан банд бўлмаган аҳоли билан ишлашдан иборатдир. Айни вақтда 2991 та фуқаро иш билан банд эмас. Аммо шулардан 321 нафари ишлашни хоҳловчилардир. Бундай инсонлар учун биз турли маслаҳатлар бериб, имкониятига қараб бошқа касб ўрганишни ҳам тавсия этаяпмиз. Шунингдек, инспекторлар жойларда бўлиб, туман ҳокими муовинлари, маҳалла фаоллари ва иш ахтариб юрганлар билан семинар-машғулотлар ўтказаяпмиз. Бу машғулотлар шунчаки бўлиб қолмай, жойлардаги ишсизлик муаммосининг ҳал этилишига кўмак бўлаётир.

Ҳозирги кунда туманимизда 639 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Унда 920 та бўш иш ўринлари бўлиб, шулардан 629 та ишчи ўринлари, 291 та мутахассис ва техник ходимлар ўрни, 162 таси қурилиш соҳасига оид, 84 таси тиббиёт соҳасига таааллуқлидир. Биз мана шу бўш иш ўринлари ва вакант лавозимларига бор корхона ва ташкилотларда бўлиб, жойларда меҳнат қонунчилигининг шартлари асосида тушунтиришлар бердик.

Биржамизга ҳар куни турли масалада фуқаролар мурожаат этади. Ана шундай мурожаат этганлар сони йил бошидан бери 857 кишини ташкил этди. 536 нафар фуқаро мутахассисларимиз томонидан маслаҳатлар олишди. 321 нафари рўйхатдан ўтказилди. 267 киши ишга жойлаштирилди. 55 киши ишсизлик мақомини олиб, 3 нафар фуқаро муддатидан илгари пенсияга жўнатилди. 31 нафари ўқишга жўнатилди. 46 фуқаромиз ишсизлик мақоми учун бериладиган пенсияни олмоқда. Фуқароларнинг талаб ва истаклари ўрганилган ҳолда вақтинча ёки жамоат ишларида ишлаш имкониятини ҳам яратганмиз.

*Хайрулла ХАЛИЛОВ,*
*Бектемир тумани меҳнат биржаси раҳбари.*

*Ободонлаштириш*

# ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

***Ҳозирги кунда шаҳримизда истиқомат қилаётган барча фуқаролар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари улуғ байрамга катта ҳозирлик кўришмоқда. Айниқса, тозалик посбонлари, санитария ҳолатини текширувчилар ва ободонлаштириш бўлими ходимлари бу борада алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Байрам тараддуди арафасида Ҳамза тумани ҳудудидаги ишлар билан танишар эканмиз, айни вақтда ободонлаштириш ойлиги ўтаётган бир пайтда ижобий самараларга эришаётганлигининг гувоҳи бўлдик.***

— Туманимизда санитария ҳолатини яхшилаш, маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетишни таъминлаш мақсадида барча чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди туман давлат санитария врачи Шуҳрат Акромов. — «3-Махсустранс» корхонаси ва ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ажратилган янги 12 та ДЭУ автомашиналаридан унумли фойдаланишаётир. Бундан ташқари мавзеларда ва маҳаллаларда чиқиндиларни йиғиш учун махсус майдончалар қуриш ишларини бошлаб юборишди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, савдо, умумий овқатланиш, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, бозорлар, ижара корхоналари раҳбарларига тегишли ҳудудда санитария ҳолатини таъминлаш, дарахтларга шакл бериш ва оқлаш, суғориш тармоқларини тозалаш, бинолар ва деворларни ташқи қиёфасини оқлаш каби ишларни бажаришмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг автотранспорт воситалари ҳашар тариқасида ёрдам бермоқда. Барча туманимиз аҳолиси ва маҳалла фаоллари ҳам махсус шанбаликларни кутиб ўтирмай хонадон атрофларини саранжом-саришта қилишмоқда.

*Гулнора ДАМИНОВА.*

*Саноат*

# ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН



***Сув, газ каби табиий манбалардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш мамлакат равнақини таъминлайдиган муҳим омиллардандир. Шуни ҳисобга олган ҳолда республикамизда кейинги пайтларда сув ва газ ўлчагичларини жорий этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Улардан фойдаланиш бўйича тажрибалар Сергели туманидаги кўп қаватли уйларда муваффақиятли синовдан ўтказилди.***

Албатта, бундай кенг кўламдаги ишни оқилона йўлга қўйиш жоиз. Дастлаб, ўлчагичларни четдан келтиришга ҳаракатлар бўлган бўлса-да, ҳозир уни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани эътиборга моликдир.

«Оникс» ҳиссадорлик жамиятига борганимизда корхонада ўлчагичларни чиқариш ишларига астойдил киришилганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Республикамиздаги истеъмолчиларнинг газ ва сув ўлчагичларига бўлган эҳтиёжларини қоплаш мақсадида уларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш бўйича иккита қўшма корхона ташкил қилдик, — дейди «Оникс» ҳиссадорлик жамияти директор-менежери Ўткир Мусаев. — Жумладан, Италиянинг «Самгаз» фирмаси билан газ сарфи ўлчагичларини ишлаб чиқариш бўйича «СМГ Оникс» қўшма корхонасини ташкил этганимизга уч ойдан ошди. Италиялик ҳамкорларимиз ўтган ойда келиб асбоб-анжомларни монтаж қилишди. Цехимизга синов стенди, 2 та пресс, йиғиш, штамплаш дастгоҳларини ўрнатдик ва созладик. Металл деталларининг маълум қисмини ўзимизда тайёрлаяпмиз. «G4» номли «PC (2001 IA» моделидаги газ сарфи ўлчагичи ҳажмининг ўта енгиллиги (1,9 килограмм), пишиқ ва узоқ вақт фойдаланишга мўлжалланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўлчагичга 2 йилгача кафолат берилади. Шу муддатда ишдан чиқса алмаштириб берамиз. Ўтган вақт ичида маҳсулотларимизнинг тажриба нусхаларини ишлаб чиқардик ва Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш марказига давлат синовларидан ўтказиш учун топширилди. Сентябрда Италиядан мутахассислар келиб, якуний натижалар чиқарилади. Синовлар ижобий натижалар берса, ўлчагичларимизни тасдиқлаш тўғрисида давлат сертификати берилиб, улар ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилади ва кенг кўламда ишлаб чиқаришни бошлаймиз. Тўла қувватга тушиб олсак, йилига 100-120 минг дона газ ўлчагичларини чиқарган ҳолда 2001-2002 йилгача республикамиз эҳтиёжларининг каттагина қисмини қоплаш режаларимиз бор.

Сув ўлчагичларини чиқариш бўйича эса Россиянинг Чистопол шаҳридаги «Восток» ҳиссадорлик жамияти билан «Восток-Оникс» қўшма корхонасини туздик. Ҳозирча 15 миллиметр ўлчамдаги қувурларга ўрнатиладиган совуқ ва иссиқ сувлар сарфи миқдорини ҳисобловчи «СХВ-15» ва «СГВ-15» сув ўлчагичларини чиқариш бўйича ҳужжатлар тайёрланди. Асбоб-анжомлар монтаж қилинмоқда. Керакли олтита деталларни ўзимизда чиқаришни ўзлаштирдик. Сув ўлчагичларимизнинг кафолат муддати 18 ой бўлса, ўртача ишлаш муддати 12 йилни ташкил этади. Шу йил охиригача ушбу янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз.

«Оникс» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул усталари эса давлатимизнинг йирик ва ўзига хос буюртмаларини адо этишмоқда. Хусусан, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1250 йиллигига бағишлаб Самарқанд вилоятида шу йилнинг октябрь ойида йирик тарихий мажмуа қад ростлайди. Шаҳар меъморчилик ва лойиҳалаш бошқармасининг тажрибали меъмори Абдуқаҳҳор Турдиев эскизлари бўйича корхонада мажмуага ўрнатиладиган катта туркумдаги махсус қандиллар тайёрланмоқда. Хусусан, бўйи 2600, эни 1100 миллиметрли «Камилла — 3», бўйи 1800, эни 1200 миллиметрли «Камилла — 2» қандилидан 2 дона, «Камилла-1» қандилидан 10 дона, шунингдек, бўйи 4,5 , эни 3 метрлик йирик қандил, бир қатор майда қандилларни тайёрлашга қизғин киришилди. Фақат шу мажмуанинг ўзига ҳаммаси бўлиб 37 та қандил ва 94 та деворга ўрнатиладиган ёритгичлар тайёрлаб берилади. Коммунал хўжалик банки эса 2 та катта қандилга буюртма берди. «Қуёш-физика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёларимиз ҳисобига автомобилларнинг ўт олдиргичлари учун жуда керакли бўлган электротехник керамикани ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти.

Хулоса қилиб айтганда, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти Мустақиллигимизнинг етти йиллик тантаналарига юқоридаги каби янги ва сифатли маҳсулотлари билан ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.



*СУРАТЛАРДА: «Оникс» ҳиссадорлик жамиятининг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги маҳсулотлари.*

1998 — Оила йили

## Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

Туманлар йўқламаси: Собир РАҲИМОВ



*Ҳамкорлик*

# СИФАТИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ



***Ҳозирги кунда замон билан ҳамнафас ҳолда тадбиркорлик билан иш юритаётган корхоналарнинг иши беш. Улар ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлар ҳамюртларимиз хонадонларини безаш билан бирга хорижга ҳам экспорт қилиниб, мамлакатимизга валюта тушумининг ошишига ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.***

«Ўзбекмебель» давлат концернининг «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятида ҳам худди ана шундай ишбилармонлик билан иш юритилаётгани сабабли корхона маҳсулотлари харидоргир бўлмоқда. Айниқса, унинг негизида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи сифатли маҳсулотлари пештахталарда туриб қолмаяпти.

— Ҳозирги кун талаблари шуни тақозо этмоқдаки, маҳсулотинг омборни тўлдириши эмас, балки ял-ял ёниб уйларнинг тўрини банд этиши керак, — дейди «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Тўрабек Назаров. — Шуларни ўйлаган ҳолда бундан уч йил аввал Латвиянинг ёғочни қайта ишлаш корхонаси билан «Ўзбекмебель» тизимида биринчи бўлиб «Диен види» қўшма корхонасини ташкил этгандик. Шуниси эътиборга лойиқки, қўшма корхоналарнинг кўпгина афзаллик томонлари бор. Биринчидан, хом ашёга эҳтиёж сезмайсиз, иккинчидан, сифатли маҳсулот чиқади. Энг муҳими, ишчилар доимо иш билан таъминланади. Бунда ҳукуматимиз томонидан қўшма корхоналарга берилган имтиёзлар ҳам қўл келмоқда. Бизнинг ишларимиз ҳам юришиб кетди, хом ашёдан қийинчилик сезилмаяпти, болтиқбўйилик ҳамкорларимиз барча анжомларни ўз вақтида етказиб беришяпти. Улар хом ашёсига ишлов берилиб бизда тайёрланаётган ётоқ ва офис гарнитурлари Европа стандартлари даражасидаги маҳсулотлар бўлиб, сифати Болтиқбўйи, Россия, Беларусдагидан қолишмасада, нархлари 50 фоиз арзон. «Диен види» қўшма корхонамиз ҳозир юз фоиз қувватда ишлаяпти ва бир ойда 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

Ҳозир латвиялик ҳамкорларимиз билан «Шарқ ретуми» деб номланган яна битта янги қўшма корхона ташкил этяпмиз. Янги нуқтамиз ҳозир чиқаётган мебеллар йиғмаси, ётоқ гарнитури, офис мебеллари билан бир қаторда ошхона мебелларини ҳам чиқаради.

Шуни таъкидлаш керакки, «Диен види» ва «Шарқ ретуми» қўшма корхоналарининг сифатли маҳсулотларини йил охиригача етказиб бериш юзасидан яқинда Қозоғистондаги «Мирей» савдо маркази билан 1 миллион долларлик шартнома тузилди. Тез орада маҳсулотларнинг 20 минг сўмлик дастлабки туркуми қозоғистонлик қўшниларимизга жўнатилади.

Халқимизда «Иш билганга минг танга» деб бежиз айтишмайди. Ишчиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш муваффақиятлар омилидир. Шуни тўғри тушунган ҳолда «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларга тегишли маданий-маиший шароитларни яратишга астойдил бел боғлашган. Бунда корхонанинг Назарбекдаги ёрдамчи хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлардан унумли фойдаланилмоқда. Баҳор бошланганидан то кеч кузгача хўжаликнинг 5 гектар ерига экилган 60 тоннага яқин ўрик, олма, бақлажон, булғор қалампири, помидор, бодринг, қовоқ каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар корхонанинг 800 га яқин ишчисига ҳар бир килограми 1 сўмдан етказиб берилмоқда. Яъни, ҳар бир ишчига ўртача 120 килограммдан маҳсулот тўғри келади. Инсонга бундай ғамхўрлик корхонанинг ютуқларидаги бош омиллaридан бири десак адашмаймиз.

*СУРАТЛАРДА: «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари Ҳ. Абдуллаев, Ш. Шомелиев ва А. Рашидовлар иш устида; корхонанинг мебеллар йиғмаси.*



***Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиб, тадбиркорликка кенг йўл очилганидан бери халқ манфаатлари ва ўз манфаатларини баравар қўйган ҳолда ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳамшаҳарларимиз ҳам кўпайиб бормоқда. Тадбиркорлик борасида туманда жойлашган «Карима» хусусий фирмасининг фаолияти айниқса таҳсинга сазовор.***

*Тадбиркорлик*

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ЎЙЛАБ

Шуни айтиш керакки, корхона раҳбари Хайрулла Муинов бошчилигида 1992 йилда дастлаб «Карима»нинг фаолияти оилавий тикув цехини очишдан бошланганди. Эртани кўзлаган ҳолда режали равишда иш юритиш тезда ўз самарасини бера бошлади. Кейин 1 гектар ер олиниб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирила бошланди, чорва молларини боқиш ҳам фойдали бўлди. Тушган даромаддан корхона жойлашган Чиғатой Оқтепаси маҳалласини ободонлаштиришга сарфлана бошланди. Фирма ҳисобидан маҳалланинг янги чойхонаси қурилди. Сўнг бирин-кетин барча қулайликларга эга, ҳатто ташҳис қўйишда бебаҳо компьютер томографигача ўрнатилган, хушмуомала ва тажрибали шифокорлар жалб этилгани ҳолда хусусий шифохона, дорихона, сартарошхона, озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони фаолият бошлади. Хуллас, тушган пул ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш жабҳаларини кенгайтиришга сарфланди. Натижа эса ёмон бўлмади. Бу ерда истиқлолимиз тантаналарига ҳар йили муносиб армуғонлар билан келиш хайрли анъана тусини олган. Чунончи, Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйига 1996 йилда шифохона муносиб совға бўлган бўлса, ўтган йили сентябрь ойида эса сартарошхона ишга тушиб халққа хизмат кўрсата бошлади. Фирманинг ушбу жойларида эса қоровулларга ҳожат йўқ. Улар техниканинг охирги ютуқларидан фойдаланилгани ҳолда замонавий телеаппаратуралар билан бошқарилади.

«Карима» фирмаси томонидан маҳаллада истиқомат қилувчи эҳтиёжманд кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маҳалла фахрийлар кенгашининг тавсиясига кўра Чиғатой Оқтепасида истиқомат қилувчи 22 нафар II Жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бепул тиббий хизмат кўрсатилади, улар сартарошхона хизматларидан ҳам бепул фойдаланишади.

Бундай ютуқлар замирида албатта Республикамиз Президентининг ташаббуслари билан тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очилаётгани, мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шаклланиб бораётганининг ҳам улкан ўрни бор.

— Чет элларда кўп бўлганман, — деди биз билан суҳбатда Хайрулла Муинов. — Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Германия, Сингапур, Польша, Венгрия, АҚШда кўрган батартиблик, савдодаги ҳалоллик, уларнинг ютуқли томонлари, тадбиркорлик усулларини ўзимизда тадбиқ этишни кўп вақтлардан буён ўйлаб юрардим. Мустақиллик бизга ана шундай имкониятларни берди. Илгари фақат орзу қилган нарсаларимиз энди рўёбга чиқяпти.

Дарҳақиқат, «Карима» фирмасининг фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, унинг раҳбарида ҳеч қачон эришилган марра билан чегараланиб қолмаслик, доимо изланишда, ривожланишда, янгиликларни қўллаш ҳаракатида бўлиш каби фазилатлар борлигининг гувоҳи бўлдик. Зеро, тадбиркорликнинг асосий қонун-қоидалари ҳам шундай — бошланган ишни оқиллик билан доимий ривожлантириб боришгина муваффақиятлар сари етаклайди.

Кейинги уч ой ичида «Карима» хусусий фирмаси томонидан яна иккита самарали ишга қўл урилди. — Форобий кўчасидаги ташландиқ жой обод қилиниб автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қад кўтарди. Қорасарой кўчаси ёнидаги Қичқириқ каналида эса замонавий чойхона фаолият бошлади.

Мижозларга барча шарт-шароитларни туғдиришга ҳаракат қилиб қурилган автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасида машиналарни ювиш, ғилдиракларни таъмирлаш, мой алмаштириш, электр асбобларини созлаш юмушлари бажарилади. Биринчи навбатда инсонга эътибор, яхши муомала кераклигини ҳисобга олган ҳолда шохобчага келган мижозлар учун алоҳида битта хона жиҳозланган. Улар бу ерда телевизор томоша қилишлари, бепул чой, сув ёки кофе ичиб машина таъмирлангунга қадар ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Келажакда бир вақтнинг ўзида учта машинага хизмат кўрсатиш ўрнига улар миқдорини олтитага етказиш кўзда тутилмоқда.

«Қичқириқ» канали устидаги чойхона ҳам худди узукка кўз қўйгандек шу ҳудудга ярашиб тушди. Миллий чойхоналаримиз ва европача услубни уйғунлаштирган ҳолда очилган янги замонавий чойхонада ҳам мижозларнинг хушкайфият билан кўнгилли дам олишлари учун кўпгина шароитлар муҳайё этилган.

Сув бўйига ҳордиқ чиқариш учун келадиган ҳамшаҳарларимиз машиналарини қўйиш учун жой излаб юришмайди — кираверишда машиналарни ювиш ва сақлаш жойлари бор. Унинг ёнидан душхоналар, санузеллар ўрин олган.

13 та қишки хоналари бежирим жиҳозланган, сув устидаги 10 каравотда лўла болишларга 15 дақиқа ёнбошласангиз бутун чарчоқларингиз чиқиб кетади. Бу ерда идиш-товоқ, пичоқ қидириб юрмайсиз — каравотлардаги тумбочкаларда сочиқдан тортиб лагангача — барча анжомлар доимо тахт туради.

«Карима»нинг режалари эса бисёр. Эртаю кеч кишилар билан гавжум чойхона ёнига ҳозир икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш масканини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Унда иккинчи қаватдан тўйхона ўрин оладиган бўлса, биринчи қаватда маиший хизматнинг 13 та турини кўрсатиш нуқталари иш бошлайди. Сауна ва ҳовуз қурилади. Ушбу йирик объект эса хайрли анъанага кўра Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига топширилади.

*СУРАТДА: «Қичқириқ» канали бўйида барпо этилган замонавий чойхонада 15 дақиқа дам олсангиз бутун чарчоқларингиз чиқиб кетади.*

